Табиатни асраш ҳамманинг иши

Пойтахтимизда табиат муҳофазасига бағишланган матбуот йиғилиши ўтказилди. Йиғилиш шу йилнинг 23-25 июнь кунлари Данияда БМТ тасарруфида уюштирилган «Оврўпани ўраб турган муҳит» мавзусидаги халқаро конференцияда кўтарилган муҳим муаммоларга бағишланди. Республика табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раиси Асқад Ҳабибуллаев, ЭКОСАН халқаро жамғармасининг президенти Юсуф Шодиметов курраи замин табиатини асраш билан боғлиқ масалалар юзасидан мулоҳаза билдирдилар.

Шукур ЖАББОРОВ

«Тезкор почта» хизматда

Андижонда халқаро талабларга мос «Тезкор почта» хизмати йўлга қўйилди. Аҳоли почта жўнатмаларини бир неча соатдан кейин олишлари учун шароит яратилди. «Андижон почтаси» акционерлик жамияти фаолиятидаги бундай янгиланиш хизмат турларини кўпайтиришга имкон бермоқда. Иш унуми, хизмат маданияти яхшиланмоқда. Вилоят почта бўлимларида 16 та компьютер, 12 электрон тарози, 3 та факс аппаратлари ўрнатилган. Бундай илғор тажрибани оммалаштириш кўзда тутилмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

Илмий-амалий анжуман

Республика Олий Мажлисининг навбатдаги сессиясида қабул қилинган ҳужжатларни ўрганиш ва тарғиб этиш масалаларига бағишланган минтақавий илмий-амалий конференцияда асосан қонун устуворлиги ҳақида фикр билдирилди. Фарғонада ўтказилган бу йиғинда шунингдек, Андижон, Наманган вилоят прокурорлари, адлия бошқармалари бошлиқлари, суд раислари қатнашди. Йиғилишда республика Бош прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси А. Эргашев дунёвий тараққиёт сари одимлаётган юртимизда қонун устуворлигининг аҳамияти ҳақида маъруза қилди.

Алишер ИБОДИНОВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 7 июль, сешанба • № 80 (22.317).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Акциз маркаларини қалбакилаштириш ва ғайриқонуний айлантириш учун жавобгарликни ошириш тўғрисида

Қалбаки ва сифатсиз алкоголли ҳамда тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва сотилишига йўл қўймаслик, акциз маркаларини қалбакилаштириш ва ғайриқонуний айлантириш учун жавобгарлик чораларини кучайтириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, акциз маркаларини қалбакилаштирганлик учун, шунингдек қалбаки акциз маркаларини сотганлик учун қалбаки пулларни ёки қимматли қоғозларни тайёрлаш ва сотиш каби ҳоллар учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 176-моддасида белгиланган жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги акциз маркаларини ишлаб чиқариш, сотиш ҳамда фойдаланиш борасида белгиланган тартибга риоя этилиши устидан қаттиқ назоратни таъминласинлар, айбдор шахсларни жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

бир ҳафта муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

икки ҳафта муддатда тегишли вазирликлар ва идоралар билан бирга акциз маркаларни бошқа мақсадларда сотганлик учун, шунингдек уларни ноқонуний сотиб олганлик ва айлантирганлик учун аниқ жиноий жавобгарлик чоралари тўғрисида таклифлар киритсин.

4. "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алкоголли маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг айланишига нисбатан давлат монополиясини кучайтириш ҳамда алкоголли ва тамаки маҳсулотлар сотишдан бюджетга тушумларни кўпайтириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида" Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 21 майдаги 221-сон қарори 2-бандининг 1-хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Б. Мустафоев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 6 июль

«Тинчлик йўлида ҳамкорлик» машқлари

Латвия, Литва, Эстонияни қўшиб ҳисоблганда Европанинг 11 мамлакати ва АҚШ 10 июлдан 25 июлгача «Болтиқ чақириғи — 98» деб номланган ҳамкорликдаги ҳарбий машқларни ўтказишади. Унда 4,5 мингдан зиёд ҳарбий хизматчи, 17 ҳарбий кема ва 22 самолёт иштироқ этади. Машқлар Болтиқ денгизи қирғоғидаги Клайпеда шаҳрига яқин жойда «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури руҳида ўтади. Бу ҳақда АҚШ Мудофаа вазирлигининг Вашингтонда тарқатилган хабарида айтилади. Ерда ва самода бўладиган машқ ҳаракатларида «Тинчликни сақлаш йўлидаги умумий операцияларни олиб бориш» масалалари ўрганилади. Машқларда Германия, Швеция, Финландия, Норвегия, Дания, Венгрия ва Польша қуролли кучлари ҳам қатнашади.

Инсонпарварлик ёрдамларининг фойдаси

«Агар халқаро инсонпарварлик ёрдамлари бўлмаганда бизнинг сайёрамизда ҳозиргидан кўра 500 миллион киши кўпроқ яшаётган бўларди», деб ёзади «Рейтер» агентлиги. Гап Ғарбнинг ривожланаётган мамлакатларда оилани режалаштириш марказларини ташкил этишда кўрсатаётган ёрдами ҳақида боряпти. Бугунги кунда Ер юзида 5 миллиард 900 миллион киши истиқомат қилади. Қўшимча ярим миллиард ерлик эса йилига беш миллион баррель нефть ишлатиб юбориши мумкин эди. Улар йилига 150 миллион тонна дон истеъмол қиларди. Уни етиштириш учун эса Франция, Бельгия ва Германия (ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда) ҳудудидан зиёдроқ майдон зарур бўларди. Халқаро инсонпарварлик дастурларининг яна бир фойдаси шу бўлдики, кейинги 30 йил ичида ривожланаётган мамлакатларда саводхонлик даражаси 50 фоизга ўсди. Болалар ўлими эса шунчага камайди. Одамларнинг умри 10 йилга узайди

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Европанинг янги марказий банки

Германиянинг Франкфурт шаҳрида Европа янги марказий банкининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Энди янги йилнинг январь ойидаёқ банк Европа валюта иттифоқи аъзоси бўлмиш мамлакатларга фоиз ставкалари қўя бошлайди. Худди ўша январь ойидан бошлаб, миллий валюталар қатори Европанинг ягона пул бирлиги — евро ҳам муомалага киради. Лекин евро жорий этиладиган 11 мамлакатда ўзига хос турлича иқтисодий ўсиш шароитлари мавжудки, шу боис янги пул сиёсатини ўтказишда айрим муаммолар туғилиши мумкин. Банкнинг очилиш маросимида Европа иттифоқида раислик қилиш ваколати тугаб бораётган Буюк Британиянинг Бош вазири Тони Блэр янги банкнинг ташкил этилиши Европанинг урушдан кейинги тарихидаги улкан воқеаларидан бири бўлди, деди. Бироқ, ҳозирча Буюк Британия ягона Евровалюта тизимига қўшилгани йўқ.

Иссиқ нон ва... булоқ суви

Сирдарё вилоятининг энг олис ҳудудларидан бўлган Баландчақир қишлоғининг кўзга кўринган жойларидан бирида янги, замонавий кичик корхона барпо этилди. У — «Баландчақир нон» деб аталади. Кичик корхона лойиҳаси, қурилиши, ички ва ташқи кўринишлари, энг муҳими самарадорлиги жиҳатидан ҳақиқатан ҳам мўъжизадек туюлади. Уни барпо этиш учун 50 миллион сўмга яқин маблағ сарфланган бўлса, ҳақиқатан ҳам бу пул бекор кетмабди, дегинг келади.

Кичик корхонада ҳозир беш турдаги иссиқ нонлар пиширилмоқда. Бугун-эрта бу ердаги созлаш ишлари тўлалигича ниҳоясига етказилгач деярли 15 турдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятлари пайдо бўлади. Кичик корхона раҳбари Сувонқул Мамаражабов, сотувчи Фарҳод Расулбердиевларнинг айтишларича, деярли ўн мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган Баландчақир қишлоғи учун бу корхонанинг ишга туширилиши айни муддао бўлди. Чунки, одамлар энди тўй-маърака, бошқа маросим ва кундалик эҳтиёжлари учун нон излаб 40-50 чақирим олисдаги шаҳар ва қўрғонларга бориб юрмайдилар.

Баландчақир ва унга яқин бўлган Хўжамушкент қишлоқларида 15 дан зиёд ёшларнинг дам олиш лагерлари ишлаб турибди. Улар ҳам кичик корхонага ўз эҳтиёжларига қараб буюртма бериш имконига эга бўлдилар. Хуллас, кичик корхона бу жойларга худди узукка кўз қўйгандек хайрли иш бўлди.

Яна бир гап. Агар сиз тандирдан узилган иссиқ нонни булоқ сувига ботириб ейишга иштиёқманд бўлсангиз, марҳамат. Бунинг учун фақатгина «Баландчақир нон» кичик корхонаси дўконидан чиққанингиздан сўнг йўлнинг нарги бетига ўтишингизга тўғри келади, холос. Шундоққина йўл ёқасида муздек, ўта тотли булоқ суви отилиб чиқиб турибди. Унинг номи Азимбулоқ. Янги узилган нон ва шу булоқ сувидан бир бор тотиб кўрсангиз, бу жойларни бир умр эслаб юрасиз.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Самарқандлик ғаллакорлар ғалабаси

Вилоят ғаллакорларининг қувончи ва шодлиги чексиз. Улар мамлакатимиз ғалла мустақиллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш иштиёқида фидокорона меҳнат қилиб, кейинги 10 йил ичида илк бор зафар қучдилар. Давлатга 217 минг тоннадан зиёд сифатли ғалла сотиб, буюртма режани ошиғи билан уддаладилар. Вилоятда ҳар гектар ердан ўртача ҳосилдорлик 42 центнерга етказилди.

— Шуниси қувончлики, самарқандликлар сара ғалла уруғи мактабини ҳам яратишди. Зарафшон воҳаси ҳудудларига экилган ва синовдан ўтган «Улуғбек-600» навли буғдой экилган далаларда гектар бошига 70-80 центнердан ҳосил кўтарилмоқда, — дейди вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Алишер Мардиев. — Ҳали далаларда ҳосил мўл, шу боис қўшимча 15 минг тонна ғалла топширамиз.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 7 июлдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	58,42
1 Австрия шиллинги	7,44
1 Англия фунт стерлинги	156,41
10 Бельгия франки	25,37
1 Голландия гульдени	46,42
10 Греция драхмаси	3,13
1 Дания кронаси	13,74
1 БАА дирхами	25,89
1 АҚШ доллари	95,10
1 Миср фунти	27,95
1 Ирландия фунти	131,55
1 Исландия кронаси	1,32
10 Испания песети	6,17
100 Италия лираси	5,31
1 Канада доллари	64,75
1 Хитой юани	11,49
1 Қувайт динори	314,38
100 Ливан фунти	6,30
1 Малайзия ринггити	22,75
1 Германия маркаси	52,32
1 Норвегия кронаси	12,26
1 Польша злотийси	27,37
10 Португалия эскудоси	5,13
1 Сингапур доллари	55,48
1 СДР	126,23
1000 Туркия лираси	0,35
1 Финляндия маркаси	17,23
1 Франция франки	15,61
1 Швеция кронаси	11,76
1 Швейцария франки	62,16
1 ЭКЮ	103,52
10 Жанубий Корея вони	0,71
10 Япония иенаси	6,77
1 Россия рубли	15,33
1 Украина гривнаси	45,99
1000 Белорусь рубли	2,50
1 Латвия лати	158,76
1 Литва лити	23,78
1 Молдова лейи	20,04
1 Қирғизистон соми	4,94

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Ўзбекистонда Тожикистон кунлари якунланди

Мамлакатимизда бир ҳафта давом этган дўстлик шодиёналари — Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунлари якунланди. Бу тадбир, айтиш мумкинки, истиқлолга эришган икки мамлакат халқлари ўртасидаги азалий дўстликни янги мазмун билан бойитди ва янада мустаҳкамлади.

Меҳмонлар республикамиз пойтахтида, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида бўлиб, халқимизнинг буюк бунёдкорлик ишлари билан танишдилар, жаҳонда тенги йўқ тарихий ва меъморий обидаларни кўздан кечирдилар. Ишлаб чиқариш жамоаларида, дала меҳнаткашлари ҳузурида бўлдилар. Самимий учрашувлар чоғида икки халқ ўртасидаги дўстликни тараннум этувчи куй ва қўшиқлар шўх рақсларга уланиб кетди.

"Туркистон" саройида мамлакатимизда Тожикистон Республикаси кунларининг ёпилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев ҳамда Тожикистон Республикаси маданият ва ахборот вазири Бобохон Маҳмадов мазкур байрамнинг аҳамияти тўғрисида гапириб, икки мамлакат Президентларининг ташаббуси билан ўтказилган бу муҳим тадбир нияти эзгу ва муштарак халқларимиз ўртасидаги дўстона ҳамкорликнинг самараси эканлигини, у ўзбек-тожик маданияти тарихига янги саҳифа бўлиб ёзилганини таъкидладилар.

Кеча қатнашчилари учун Ўзбекистон ва Тожикистон санъаткорлари ижросида катта концерт намойиш этилди.

Тадбирда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов, Бош вазир ўринбосари Алишер Азизхўжаев қатнашди.

***

Тожикистонлик меҳмонлар Тошкент аэропортида анъанавий карнай-сурнай садолари остида самимий кузатиб қўйилди. Меҳмонлар билан хайрлашиш учун бу ерга маданият, санъат, адабиёт намояндалари, театр арбоблари, жамоатчилик вакиллари тўпланишди. Дўстона гурунг давомида иккала халқ вакиллари тез орада яна дийдор кўришишга умид билдирдилар. Маросимда Ўзбекистон маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев, Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Тожиддин Мардонов иштирок этди.

(ЎзА)

Ҳуррият ҳақиқатлари

Порла, порла, Миллат байроғи!

ХХ аср ниҳоясига етмоқда. Қолган бир чимдим фурсат аср учун лаҳзадек гап. Лаҳза — шам ҳаёти ёки аср умрига тенг бўлиши мумкин.

Асримиз тарихда қандай из қолдирди? Инсоният ХХ асрда қандай мафкура билан нафас олди? Ўтаётган асрнинг асосий мафкураси нима эди? У қандай мафкура эди бутун инсониятни ХХ асрда гоҳ таназзул, гоҳ тараққиёт сари етаклаган? Умуман, одамзот ўтган асрда нималарга эришди-ю, нималарни бой берди? Нималарни топди-ю, нималарни йўқотди?

Қавмлар, элатлар, халқлардан ташкил топган кишилик жамияти ХХ асрда қайси мафкурани ўзи учун асосий мафкура деб билди?

Саволлар... Саволлар...

Башарият, инсоният нуқтаи назаридан олиб қараганда, йигирма аср мобайнида, хусусан ХХ асрда ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг ўз мафкураси шаклланди. Айрим халқлар ўзларини «олий ирқ», айримлари «катта оға» дея эълон қилдилар. Бунга жуда кўпчиликни ишонтирдилар ҳам. Бу, албатта, замона зайли учун хизмат қилган мафкуранинг кучи эди. Бироқ, ХХ асрда қайси халқнинг мафкураси етакчи ҳисобланди? Қайси халқнинг мафкураси тараққиётга тезлатувчи таъсир этди?

Дарвоқе, ХХ аср ихтиролар асри бўлди. Бани башар турли-туман кашфиётлар қанотида адолатли ва фаровон жамият сари интилди. Шу ниятда трактордан тортиб овоздан тез учар ракеталаргача ўйлаб топди. Инсон оёғи ойга етди. Инсон ақли олдида осмонлар пасайди.

Коинот муҳитида она-сайёрамиз тухумдек кичиклигини англаб етди асримизнинг ҳар одами. Шу улкан, шу митти тухум ичида бутун инсоният яшаётганини англади, мана шу тухумдек Ер шарида юзлаб халқлар, динлар, ватанлар яшаётганини билди ҳар одам. Илм-фан тараққиёти Ер шарининг япроқдек омонатлигига ишонтирди барчани. Қарама-қарши томонлар беҳад кўп қурол-яроғларга эга бўлди. Бу аслаҳаларнинг бир қисми беозоргина сайёрамизни бир неча бор қунпаякун қилиб юбориши мумкин. Шундай машина-аждаҳолар борки, улар Ер куррасининг бу чеккасидан у чеккасигача, у чеккасидан бу чеккасига яшин шиддатида, чақмоқ тезлигида етиб боради. Айтайлик, Тошкентдан кўтарилган оддий йўловчи само машиналари Вашингтон ёки Токиога, Париж ёки Лондонга бир неча соатлардагина етиб бориш тезлигига эга.

ХХ аср инсон ақлини, башарият тафаккурини, фоизлаб ўлчайдиган бўлсак, юзлаб, минглаб фоизларда ўзгартириб юборди. Инсон ва инсоният, ер ва самоларда йўллар етмаганидек, денгиз ва океанлар тубига тушди.

Шу қадар кашфиётлар, ихтиролар, башоратларга қарамай, Ер шарининг қайсидир ўрмонларида ҳамон номаълум қавмлар, элатлар, эллар яшаб турганини биламиз. Айни пайтда, инсон ёки инсонга ўхшаш мавжудотлар осмонда ҳам яшамаяптимикан, деган ўйда яна кўкларга талпинамиз.

Инсониятга ХХ асрда Ер шари торлик қила бошлади, гўё. Бир ёнда бетимсол эзгулик, бир ёнда ёвузлик, бир ёнда қоронғу зулмат, бир ёнда ёруғлик, бир ёнда донишмандона илм-фан, бир ёнда жаҳолат ва маҳдудлик. Ўртада, марказда эса ҳамиша Инсон. Буларнинг барчаси инсон ақл-заковати, тафаккури ҳаракати туфайлидир.

Ўзимиз-чи, ўзимиз? ХХ асрда қандай ҳодиса, қандай воқеаларнинг марказида бўлдик? Бизнинг тафаккуримиз қай даражада ривожланди? ХХ асрда ўзбек халқининг ғалабалари, фожиалари нималардан иборат бўлди?

Ҳатто, ХХ асрда ҳам тафаккур ривожи ибтидоий даражада қолиб кетган халқлар бор. Улар ҳали ҳам тош асрида, ўрмон ва чангалзорларда умргузаронлик қиладилар. Уларнинг ёзуви йўқ, муомала тили эса имо-ишоралар бўлса, эҳтимол.

Бир томонда айрим халқларнинг тафаккури осмонлардан-да юксалиб, ривожланиб кетди. Ҳатто юлдузлар чақмоқтошдек ўрганиш, таҳлил этиш мумкин бўлган оддий буюмга айланди. Шимолий қутб, асрий музликлар, асрий сувликлар инсон ақли олдида оддий, тушуниш осон китобга айланди, десам янглишмайман.

Инсон тафаккури ҳам табиат сингари ўзгарувчан, нотенг. У денгиз тўлқинидек кўпириб, бир томонга кетиб қолса, уни жиловлаш, тўхтатиш жуда қийин. Шунинг учун ҳам одамлар орасида, халқлар орасида зиддиятлар, қарама-қаршиликлар мавжуд, хилма-хилликлар, нотенгликлар бор. Тарих шуни кўрсатиб турибдики, қайси халқнинг, қайси жамият, қайси давлатнинг тафаккури ривожланган бўлса, у энг мутараққийдир.

Ҳар қандай давлат, ҳар қандай миллатнинг тараққиётини белгиловчи асосий мезонлардан бири — мафкура. Шу сабабли ҳар бир давлат, ҳар бир халқнинг ўзига хос, ўзига мос мафкураси бор ва бўлиши шарт. Ўзбек халқининг, мустақилликни қўлга киритган, ХХI аср бўсағасида турган халқимизнинг Мафкураси унинг бой тарихи, бунёдкорлик руҳи билан суғорилган бугуни, буюк келажагини бир мақсадга муштарак этган, миллатимизнинг фазл-атвори, табиатини, потенциал қудратини, интеллектуал салоҳиятини янги асрда тўла рўёбга чиқариш учун хизмат қилувчи ягона Ғоядир. Шунинг учун Президентимиз: «Миллий мафкура — миллатни бирлаштирувчи байроқдир», — деб айтди.

Эй, ўзбек байроғи, сени баланд, юксак кўтариб, олға, илгари кетгувчи ким бўлади, кимлар бўлади?

О, ХХI аср, сен кимнинг асри бўласан? Сенда кимлар макон қуради? Сенда қандай халқлар яшаб кетиш қобилиятига эга? Сенда қайси миллатлар, қайси халқлар етакчилик қилади?

ХХI асрда жамиятимизнинг мафкураси қандай бўлади? Уни қандай куч ҳаракатга келтиради?

«Халқни — халқ, миллатни — миллат қиладиган» куч нима? Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бундай куч мафкура эмасми? Одамларни бирлаштирувчи, сафарбар этувчи, янгиянги ғалабалар сари руҳлантирувчи куч ғоя эмасми?

Баъзан ўйлаб қоласан киши: Ер шарининг узоқ бир нуқтасида жойлашган Американинг мафкураси қандай экан? Америкадек улкан ва қудратли давлат жамиятини қандай мафкура бошқаради? Нега улар, биз — ягона америкаликлар, дея фахрланишади? Ахир, уммон ортидаги ўлкада қанча миллат, қанча халқ, қанча эл-элат вакиллари яшайди. Уларнинг тиллари, динлари хилма-хилу диллари биттами? Уларнинг феъл-атвори, дунёқарашлари турли-туману гўёки қалблари биттадек.

Шундай улкан, кўпмиллатли, кўп сонли мамлакатда нега давлат тили ягона — инглиз тили? Ҳукумат ва давлатнинг барча расмий ҳужжатлари, идора ишлари ягона — инглиз тилида амалга оширилади?

Бунинг тагида қандай сирли маъно яширин?

Миллатпарварлик, ватанпарварлик шу эмасмикан?

Демак, мафкурани шакллантириш учун ягона давлат тилининг аҳамияти буюк экан-да.

Демак, жамият мафкурасини шакллантириш учун миллий тилдан чекиниш, ҳукумат даражасидаги, хусусан халқаро ҳужжатларни миллий ёки давлат тилида эмас, бошқа тилларда юритиш, давлат аҳамиятига эга бўлган ишларда миллий тилни, давлат тилини четга суриб қўйиш, шак-шубҳасиз, мафкура пораканда-лигига олиб келади.

Бу ҳол ватанпарварлик, миллатпарварлик қоидаларидан чекиниш демакдир.

Бу ҳол ҳукумат вакилларининг ҳукуматнинг ўзи чиқарган Қонун талабларидан чекиниши демакдир.

Бу, демак миллий мафкурани шакллантириш учун давлат ичида давлат тилининг юз фоиз амал қилишини таъминлаш демакдир.

Бу, демак давлат ташкилотлари, ҳукумат идоларида, халқаро муносабатларда давлат тилининг камида 95 фоиз амал қилишини таъминлаш демакдир.

Бу дегани ҳар қандай жойда, ҳар қандай пайтда фақат, фақат ва фақат давлат тилида иш юритиш демакдир!

Бу дегани Ўзбекистонда каттакичик, умуман барча даражадаги анжуманлар бошқа тиллардан инглиз тилига эмас, айнан давлат тилидан, миллий тилдан инглиз тилига таржима қилиниши лозим демакдир.

Бу дегани бизда айни замонда мавжуд бўлган тил қоидаларидаги айрим салбий тамойилларга чек қўйиш демакдир.

Бу дегани Ўзбекистонда ўзбек тилидаги матбуот нашрларининг бошқа тилдаги матбуот нашрларидан устунлигини таъминлаш демакдир.

Бу дегани асосий тарғибот воситалари — телевидение кўрсатувлари, радиоэшиттиришларда миллий руҳ ва миллий тил устунлигини таъминлаш демакдир.

Чунки миллий ғояни фақат ва фақат миллий тил воситасидагина амалга ошириш мумкин.

Чунки, донишмандлар айтганидек, тиг етмаган жойга ҳам сўз, ақл етиб боради.

Чунки, кучли мафкурани кучли миллат, кучли давлат, кучли жамият яратади.

Бу дегани энг замонавий техникани ишлата оладиган миллий кадрларни тарбиялаб етказиш демакдир.

Чунки, биз ўзимизни қанчалик у ёқ-бу ёққа ташламайлик, миллий кадрлар, миллий мафкура билан қуролланган миллий кадрлар миллий давлатчилигимизнинг асосини ташкил қилади!

Миллий кадр — миллат таянчи, миллий кадр — давлат суянчи!

Миллий кадр — кўчмас тог! Йўловчи кадрлар — йўловчи булутлардек қўнимсиз.

Миллий мафкура байроғини миллий кадрлар кўтаради!

Миллий кадр — ўзбек давлатининг бойлиги, унинг давлат ташида бошқа «аэропорти» йўқ.

Миллий кадрнинг ўз уйи — ўлан-тўшаги, яъни Ватани бор!

Миллий кадр, Президентимиз «Тафаккур» журнали саволларига жавобида таъкидлаганидек: «Жамият таянчи бўлмиш оддий инсон...»

«Кучли давлатдан кучли жамият сари» етакловчи куч ўша «оддий инсон»дир.

Эй ўзбек халқим! Буюк халқим! ХХI аср сенинг асринг бўлишига ишончим комил! Халқим, бунинг учун сенда ҳамма асос бор. Сен тенгсиз ўтмишинг, ёруғ бугунинг ва порлоқ келажагинг билан шундай асосга эгасан, халқим!

Миллатни бирлаштирувчи байроқ — миллий мафкура қўлингда! Бу қутлуғ байроқни бирлашган, жипслашган қўллар кўтаради. Йўқ, йўқ, уни қўллар эмас, эътиқод, орият, ор-номус кўтаради.

Мустақиллик байроғини — Президент байроғини халқимизнинг эътиқоди юксак-юксакларга кўтаражак!

Азим СУЮН

Мамлакатимизда айни ёз чилласи. Ҳозир кўпчилик одамлар таътилга чиқиб, сўлим оромгоҳларда дам олишяпти. Лекин сабзавоткорларнинг табиат гўзаллигидан баҳра олишга вақти йўқ. Чунки улар учун долзарб палла бошланган. Айни пишиқчилик.

Етиштирилган ҳосилни пешма-пеш йиғиштириб олиб, турли шаҳар-қишлоқлардаги истеъмолчиларга, қайта ишлаш корхоналарига жўнатишни ўзларининг бурчи, деб билишади. Қолаверса, уларнинг манфаатдорлиги ҳозирги астойдил меҳнатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Наманган туманидаги «Соҳибкор» жамоа хўжалиги деҳқонлари ҳам айни пайтда ҳосилни йиғиштириб олиш билан банд.

Суратда: илғор сабзавоткорлар Отахон Тожимирзаев билан Гулмира Турсунова карамзорда.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

Фаолиятимизда бўш ҳалқа бўлмасин

Шу кунларда вилоятимизда яшовчи ҳар бир фуқаро истиқлолимизнинг еттинчи довонида туриб, ўзига-ўзи ҳисоб тарзида: «Мен юртимга, элимга нима бердим? — деган саволга жавоб изламоқда. Буни ҳаммадан кўпроқ Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари тимсолида кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят ташкилоти айни пайтда битта шаҳар, 11 та туман, 906 та бошланғич, шу жумладан 331 та ҳудудий партия ташкилотларидан иборат. Унинг сафларида 26700 нафар аъзо бўлиб, ҳаммаси вилоят ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида фаол қатнашиб келаётир. Вилоятда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиги, миллатлараро муносабатларнинг демократик асосда йўлга қўйилганлиги партия ташкилотлари ҳамда уларнинг аъзолари фаоллигидан сезиш қийин эмас. Демак, кундалик фаолиятимизда бўш ҳалқа учрамайди.

Маълумки, ҳар қандай партия ташкилоти ўз сафларининг мустаҳкамлиги, фаолиятининг салмоғи билан обрў топади. Шу нуқтаи назардан қараганда бу борадаги фаолиятимиздан қониқиш ҳосил қилсак-да, аммо ҳали талаб даражасида эмас. Ўтган икки йил мобайнида вилоят бўйича партия сафларига 3512 киши кирган. Бунда, айниқса Бухоро шаҳар ва Бухоро туман партия кенгашларини намуна қилиб кўрсатсак-да Жондор, Ромитан, Шофиркон туманларида партия сафларини ёшлар ҳисобига ошириш анча суст бораётганлигини таъкидлаб ўтмоқ лозим.

ЎзХДП Марказий Кенгаши XIV пленумида ҳудудий партия ташкилотларининг аҳоли ўртасида иш олиб боришнинг аҳволи алоҳида таъкидланганлиги бежиз эмас. Чунки, ҳудудий партия ташкилоти халққа жуда яқин бўлибгина қолмай, балки унинг таъсир доираси ҳам кенгдир. Шуни назарда тутган ҳолда вилоятимизда бу ишга эътиборни оширдик. Мана, самараси — ўтган икки йилда ҳудудий партия ташкилотлар сони 51 тага кўпайиб, 331 тага етди. Агар 1996 йил январида партия аъзоларининг 19 фоизигина улар ҳисобида турган бўлса, бу йилга келиб эса ушбу миқдор 34 фоизга тенг. Бухоро, Ғиждувон туманларида бу борада ибратли тажриба тўпланган...

Бу билан ҳудудий партия ташкилотларида ишлар беш деб бўлмайди. Олот, Шофиркон, Пешку туман партия ташкилотлари фаолиятларида бу йўналишда бўшлиқ мавжуд. Бу эса аҳоли ўртасида маърифий-тарбиявий ишларни олиб боришга анча халал бериши табиий, албатта.

ЎзХДП Марказий Кенгашининг XVIII пленумидан сўнг партия ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган вазифалар белгиланган ишимизда кескин бурилиш ясашга туртки бўлди десак, муболаға бўлмас. Бухорода республика ХДПнинг семинари ўтиши ҳам бизга янгича рағбат ва йўналиш бериши шубҳасиз. Зеро, партиявий-ташкилий, мафкуравий ишларимизда, ҳокимликлар билан ҳамкорликда, ХДП аъзоси бўлган барча даражадаги депутатлар билан ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимини топишда ҳам қўл келадиган омиллар топилишига ишончимиз комил.

Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнида вилоятдаги партия кенгашлари ҳокимликлар билан ҳамкорликда мавжуд муаммоларни ечишда барча даражадаги партиямиз аъзоси бўлган депутатларнинг фаол иштирокини таъминлаш ва маъсулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқдалар. Вилоятда барча даражадаги халқ депутатларининг 474 нафаридан — 75 фоизидан кўпроғи ХДП аъзосидир. Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатларининг 60 нафардан 19 нафари партиямиз аъзосидир. Улар ўз фракцияларига эга. Ушбу фракция сессия кун тартибига киритилаётган масалаларда партиямиз ҳаракат дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни акс эттиришга доимо ҳаракат қилади.

Турли оқимлар юзага келаётган ва ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган кучлар нуқсидан халос этишда мафкуравий ишларни юқори савияга кўтаришимиз керак. Бу ишда жойларда фаолият кўрсатаётган 150 та маърифат маркази, 97 та маърифат хонаси, 218 та маърифат бурчаклари қўл келяпти.

Маърифат марказларига олимлар, шоир ва ёзувчилар, шифокорлар таклиф этилиб, бой ва қадимий қадриятларимиз, маданий-маърифий ҳаётимизнинг долзарб масалалари бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини замон талаби ва мамлакатимиз тараққиёти мақсадларига мос равишда йўлга қўйиш бўйича турли тадбирлар ўтказиляпти. Бу жиҳатдан Бухоро тиббиёт институти, «Бухоронон» ҳиссадарлик жамияти, Шофиркон туманидаги Ш. Рашидов номли, Жондор туманидаги А. Навоий номли, Т. Ҳотамов номли, Бухоро туманидаги «Ўзбекистон», Олот туманидаги «Шарқ юлдузи», Вобкент туманидаги «Пахтакор» жамоа хўжаликларида ташкил этилган «Маърифат» масканлари барчага ибратлидир.

Шулар билан бирга вилоят партия кенгашининг 23 кишидан иборат тарғиботчилари ҳам истиқлол йилларида эришилган муваффақиятлар, халқлар дўстлиги тўғрисида чиқишлар қилиб турибдиларки, бу диний ақидапарастликнинг пайини қирқишда қўл келяпти.

Бухоро шаҳар кенгаши Оила йили муносабати билан қизиқарли тадбирлар ўтказиб турибди. Хусусан, турли миллий марказлар ходимлари билан ўтказилган оилалар гурунги, турли хил танловлар партия ташкилотининг халққа нақадар яқинлигидан далолатдир.

Партия ҳаёти

Бундан ташқари, шаҳар кенгашида 150 кишини бирлаштирган 5 та сиёсий клуб-тўгараклар мақсад-йўналиши ҳам бир мақсадга йўналтирилган. У — истиқлол берган шарофат, иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини очиб беришга қаратилган.

Умуман олганда вилоят партия ташкилоти истиқлол мафкурасини халқимизнинг маънавий, руҳий, ахлоқий фазилатларини янада бойитишга, мустақил мамлакатимиз равнақи йўлида ҳалол хизмат қилишга қаратмоқда. Ана шу эзгу мақсад йўлида изчилликни сақлаган ҳолда, партия ташкилотлари жанговарлигини оширамиз, улар фаолиятида бўш, заиф ҳалқалар пайдо бўлишига йўл қўймаймиз.

Жалолиддин НУРУЛЛАЕВ,
ЎзХДП Бухоро вилояти кенгашининг биринчи котиби.

Хатлар, хатлар, хатлар

Боғча «консерваси» очиладими?

Бултур 10 апрель куни газетамиз саҳифасида «Боғча қўрмай, мактабга борамизми?» сарлавҳали шикоят хати эълон қилинганди. Унда бир гуруҳ муштарийлар 1990 йил бошларида уч қаватли боғча биноси қурилишига киришилгани ва бу бинонинг шакл-шамойили юзага келгач, тўхтаб қолгани ҳақида ёзишганди. Баҳона маблағ йўқлиги. Ҳамма иш ўлда-жўлда қолиб, қатор йиллардан бери бинонинг путури кетаётгани, қишда қор остида, ёзда жазирамада нураётгани ҳақида фикр билдирилган эди. Уруш ва меҳнат фахрийлари, кўп болали оналар шикоятига қулоқ солган Шайхонтоҳур туман ҳокимининг биринчи муовини Р. Рўзимуҳамедов имзоси билан таҳририятимизга жавоб хати келган. 1997 йилнинг 8 июлида газетада чоп этилган мазкур жавобда жумладан шундай фикрлар баён этилган: «Ҳақиқатдан Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан «Бўстон» маҳалласи ҳудудида янги боғча қурилиши Тошкент шаҳар капитал қурилиш бош бошқармаси режасига киритилган эди... Туман халқ таълими бўлими томонидан шу боғча учун керакли жиҳозлар ҳам харид қилиб қўйилганига ҳам бир неча йил бўлди... Бош буюртмачи Тошкент шаҳар капитал қурилиш бош бошқармаси бўлганлиги учун биз шу ташкилотга мақолада қўйилган саволлар билан мурожаат қилдик ва қуйидаги жавобни олдик: Боғча асосан қурилиб бўлинган, ишларнинг тўхтаб қолишига сабаб мухандислик коммуникациялари, хусусан, иситиш тармоқлари, газ ва канализация боғчадан анча узоқда жойлашган. Шу йил(1997)нинг охирида боғча яқинида иккита микрорайон қурилиши якунланмоқда. Боғчага газ, иссиқлик, канализация қувурлари тортиб келиш имконияти туғилади. Боғча қурилишни охирига етказиш капитал қурилиш бош бошқармасининг 1998 йил режасига киритиш масаласи шу йилнинг (1997) охирида кўрилади».

Қолган ишга қор ёғар, деб шуни айтишади. Мана сизга газета чиқишига муносабат ҳамда ёзилган жавобнинг амалда рўёбга чиқмаётганига яққол мисол. Бу орада эса «Бўстон» маҳалласи аҳли шу ҳам иш бўлди-ю, маъносида таҳририятимизга «Эски ҳаммом, эски тос» сарлавҳаси остида яна шикоят хати йўллашди. Бир неча варроқлик бу шикоят мактубига онахону отахонлардан иборат 32 нафар киши имзо чекибди. Наҳотки, деярли битказилган боғча биносини охирига етказиш шунчалар қийин бўлса. Ахир, бу масканда ҳаммамиз учун азиз бўлган болакайлар яйрашади-ку!

Ғайбулла ҚЎЧҚОРОВ

Алимкентми ёки Олимкент?

Юртимизда давлат тили ҳақидаги қонунни ҳаётга татбиқ этиш йўлида кўп ва хўп савобли ҳамда хайрли ишлар қилинди. Қанчадан-қанча шаҳарлар, кўчалар, дилтортар масканлар қадриятларимизга хос маъно топди. Биз томонларда ҳам бироз ўзгартирса бўлгулик жойлар бор. Гап шундаки, 1990 йили «Аччи» қишлоқ кенгаши йиғилишида маҳаллий депутатлардан қишлоқнинг номи қандай маъно англатишини сўраганимизда, ҳеч ким лом-лим деёлмади. Шундай экан, унинг ўрнига эски Алимкент, десак қандай бўларкин. Манбаларда эса эски Алимкент Оққўрғон туманидаги Вотинцев номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашганлиги қайд этилган. Шунга қарамай, бу масала ойдинлашмай қолди. Аччи атамаси эса оқова сувлар йиғиндисидан иборат чоғроқ канал маъносини англатади. Олимкент қўрғони эса туманнинг саноатлашган аҳолиси зич масканлардан. Бу номни қачон, нималарга асосланиб қўйилганини ҳеч ким билмайди. Зеро, қўрғонда Ипак қишлоғи бўлганлиги маълум. Одамларнинг айтишича, бу ном Буюк Ипак йўли билан боғлиқ экан. Султон Сегизбоев номли халқ корпорациясида Шохруҳия ёдгорлигининг мавжудлиги ҳам диққатга сазовор. Чунки, бу ёдгорликни соҳибқирон бунёд эттирган исботланган. Балки, бобомиз Амир Темур Олимкент томонларга қадам ранжида қилгандир. Ният шуки, олимлар, манбашунослар асли биз истиқомат қилаётган жойнинг номи Алимкент ё Олимкент эканини аниқлаб беришса, айни муддао бўлурди.

Тиллабек Мирзааҳмад ўғли

Энг тансиқ оҳанг

Саратонда қуёш рангли ғаллазорда кезганмисиз? Эпкинда олтин бошоқларнинг сирлашаётгандай бошларини бошларига қўйиб шивирлашган ҳарир оҳангларини тинглаганмисиз? Бу оҳангни қулоқлар билан эмас, қалб билан, балки бутун томирларингиз билан эшитиш керак. Унда аждодларимизнинг борингки, бутун башарнинг ноёблашганда ҳам, сероб бўлганда ҳам ҳамиша тансиқ саналган неъмат Нон ҳақидаги армонлари, унинг йўлидаги курашлари қуйланмаяптимикан?! Эҳтимол шундоқдир...

Бу оҳангни тинглашгина эмас, юракдан туйиш, ҳис этиш керак. Биз китобларда ўқигану, халқ достонларидан тинглаган, киноларда кўргану, қўшиқларда эшитган Нон ҳақидаги ривояту ҳикоятлар, Нон йўлидаги курашлару, улардаги ғолиблик нашъаси ёки мағлублик алами ана шу оҳанглардан қалбларимизга қуйилаётгандай бўлади. Ўзбекистон истиқлоли ғалабасининг илк тимсолларидан бири — ғалла мустақиллигига эришганимиз — ана шу буғдойзорларда ўзининг бутун таровати ва саховати билан намоён бўлади. Ана шу оҳангда тараннум этилади.

Учқўрғоннинг қадим қишлоғи Қайқида чеку чегараси йўқдай туюлган олтинранг буғдойзорда мен ана шу оҳангни тинглагандай бўлдим. Ҳис қилдимки, боболаримиз ҳам бу қишлоқда қадим-қадимдан буғдой экишган. Ўз ризқ-рўзларини яратишган. Тарихан жуда қисқа муддат 7-8 йил илгарироқ агар Ўзбекистон мустақил бўлса, барибир нон сўраб, дон сўраб бизга қайтади, деб оғиз кўпиртирган корчалонлар бугун ана шу ғаллазорлар жамолини, учқўрғонликларнинг ғалла етиштиришдаги маҳорати, еримиз саховатини кўрсалар бармоқ тишлаб қолишлари шубҳасиз.

***

Мамалакатимизда ғалла мустақиллиги эълон қилинганидан буён бу туман деҳқонлари муттасил вилоятда энг юқори ҳосилдорликка эришмоқдалар. Бошқача қилиб айтганда ўзбек деҳқони нимага қодир эканини намойиш қилмоқдалар. Ана шу Қайқи қишлоғидаги «Қайқиобод» ёпиқ турдаги акционерлик жамиятида ғаллачиликда нисбатан ноқулайроқ кечган ўтган йили ҳам ҳар гектар ердан 51 центнердан ошириб буғдой олинди. Хўжаликнинг ғалла штабида бош агроном Нозимжон Рўзиматов, бригада бошлиғи Муҳаммаджон Олимовлар билан суҳбатлашиб қолдик.

Туман ғалла хирмонига салмоқли ҳисса қўшадиган бу хўжаликда 411 гектар майдонга буғдой экилган бўлиб, унинг тасарруфини 56 пудратчи ўз зиммасига олган. Ҳар қарич ғаллазор ихлос, меҳр билан парваришланганидан ташқари ҳар томонлама назоратга олинган. Чунончи қайси пахтачилик бригадаси ҳудудида неча гектар ғаллазор бўлса, ўша бригада бошлиғи масъул, айни пайтда пудратчилар иккита ғаллачилик бригадасига уюшган бўлиб, бу бригадирлар ғаллакорларнинг талаб ва эҳтиёжлари бўйича ўғит, сув, техника масалаларини ҳал этадилар ва ҳосилдорлик ҳамда унинг сифатига жавоб берадилар. 7 гектардан 11 гектарғача майдонга деҳқончилик қиладиган пудратчилар эса аввало боболар касби бўлмиш ғаллакорликда ўз маҳоратларини намойиш этишга, қолаверса шартномадагидан кўпроқ ҳосил етиштириб, ўз омборлари ва ҳамёнларини ҳам тўлдиришга интиладилар.

Муҳаммаджон Олимов бригадасига қаровчи Рустам Тўраев, Абдуқаҳҳор Темиров каби пудратчилар майдонларида бугун ўрим авжида.

Бир неча кун муқаддам ўтказилган ҳосил чўғини чамалашда кўзда тутилган ҳар гектар ердан 53,7 центнердан ҳосил олиш мўлжали ўзини оқламоқда.

Умуман қайқиободликлар бу йил ҳосилдорликни 55 центнерга етказишмоқчи. Айни пайтда туманнинг «Чорвадор», «Жалолобод», «Қўғай», «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ғаллакорлари ҳиммати ундан ҳам баланд. Улар 60 центнерлик маррага интилишмоқда. Хўш бунга асос борми?

— Бор, — дейди туман ҳокими Латифжон Отахонов — шукрона билан айтганда, бу йил буғдой йили бўлди. Об-ҳаво ғаллакорни сийлади. Иккинчидан, ҳосилдорликнинг асосий омили уруғ. Билимдонлар доим бир нарсага эътибор берадилар. Мўлжалдаги уруғ ерга тушдими, йўқми? Агар ўша ҳар гектар ерга 250 килограммдан мўлжалланган уруғ ерга тушган бўлса, яна у сараланган, яхши тайёрланган бўлса, кўнглингиз тўқ бўлсинки, мўлжалдаги ҳосил бўлади. Иккинчи омил ўғитлаш. Ҳар гектарга 500 килограммдан ўғит берилиши керак бўлса, шу берилди. Негаки, ҳар бир пудратчи, ҳар бир ғаллада ишловчи бугун ана шу ўғитлаш, суғориш, бошқа агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказишда ҳам назоратчи, ҳам ижрочи. Демак, ниятдаги ҳосилни оламиз, деб ишонишга ҳақли.

Туманда бу йил 5347 гектар майдонга ғалла экилган. Режа бўйича ҳар гектар ердан 53,5 центнердан ҳосил олиниши керак. Аммо ғаллакорлар бу кўрсаткични 55 га етказишмоқда. Албатта бунга ҳам уруғ ва уруғчилик масалаларига катта эътибор берилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Одатдаги «Скифянка» уруғидан ташқари 860 гектар майдонга «Спартанка», 137 гектарга «Юна», 148 гектарга «Албатрос», 20 гектарга «Маржон», 36 гектарга «Лютекс», 5 гектарга «Истиқлол» навли уруғлар экилган. Ўтган йилларда кичик-кичик майдонларда синаб кўрилган янги навлар ўзини оқлагини сабабли бу йил уларга кенгроқ майдон ажратилган.

«Чорвадор» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Алижон Юсупов бизни Баҳодир Маҳмудов раҳбарлик қилаётган бригаданинг «Албатрос» нави экилган буғдойзорига бошлади. Бир қарашдаёқ нигоҳинг ва эътиборингни тортадиган 30 гектарлик бу майдонда йирик бошоқлардан бир нечтасини олиб донини санаб кўрдик. 56 тадан дон бор.

— Яқинда ҳосилни чамалаб кўрдик, — деди бригада бошлиғи, — 68 центнерданни ваъда қиляпти.

— Кўчатлар қанақа?

— Бир квадрат метрда 600 тадан кўчат бўлиши керак — изоҳ берди раис.

— Ўн бир ердан ўлчаб чамаланганда 710 тагача кўчат борлиги аниқланди, — қўшимча қилди бригадир, — балки 70 центнердан ошар.

Агар ҳосилдорлиги 70 центнерга етиши кафолатланган бўлса, туман ҳокимининг 1999 йил учун «Албатрос» уруғини олиб қолиб оммалаштиришга уринаётгани бежиз эмас экан.

Хуллас, туманда бутун мамлакатимизда бўлгани каби ғалла ҳосилдорлигини ошириш йўлидаги изланишлар ҳосил асоси бўлмиш уруғчиликни такомиллаштириш билан уйғун ҳолда олиб борилмоқда. Самарқанд ва Ғаллаоролда етиштирилган «Истиқлол», «Маржон» навларининг афзалликлари ҳам яққол сезилиб турибди. Изланишда хислат кўп. Не ажабки, уч-тўрт йилдан кейин бу ҳаракатлар ўз самарасини бериб, ғаллакорликда бундан-да юксак натижаларга эришилса.

* * *

Бугун Учқўрғон ғаллазорлари денгиздай шовуллайди. Улар бағрида сузиб бораётган комбайнлар кемаларга ўхшайди. Тумандаги 36 та ўрим агрегатлари, дон ташувчи нақлиёт воситалари бари мавсумга пухта тайёрланганидан ўрим авжида.

Серёғин кунларнинг азобидан ғалласи ётиб қолган майдонларда ўроқлар ишга тушган.

Мавсумда ғалланинг пайкалдан омборга етиб боришида изчилликни таъминлаш мақсадида ҳар бир комбайнга икки нафар ҳайдовчи, созловчи, иккита дон ва иккита сомон ташувчи трактор тиркагичлари билан биркитилган.

Ўримда банд бўлганларга қулай шароит яратиш учун уч маҳал иссиқ овқат берилмоқда, дам олиш учун кўчма вагон-уйлар, тиббий дори-дармонлар бевосита пайкал бошига олиб келинган. Айни пайтда моддий ва маънавий рағбатлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ҳар беш кунда иш ҳақи тўлаб бориш йўлга қўйилган. Мавсум якунида эса энг юқори кўрсаткичга эришган экипаж аъзолари қимматбаҳо совғалар, оромгоҳларга бепул йўлланмалар билан тақдирланади.

Учқўрғонликлар ҳосил нобудгарчилигининг олдини олиш учун янги ташаббус бошлашибди. Яъни комбайнчиларга ҳақ тўлашнинг ўрган майдонига қараб эмас, балки йиғиб олган ҳосилига қараб белгилашга ўтишибди.

— Бунинг самараси шундаки, — деб изоҳлади бизга ҳамроҳлик қилган туман ҳокими ўринбосари — назорат инспекцияси раҳбари Олимжон Ҳакимов — комбайнчи гектар кетидан қувиб, бошоқ қолдирмайди. Демак, тоза ўради.

«Андижон» жамоа хўжалигида бўлганимизда ўзимиз бунга гувоҳ бўлдик. Қотмадан келган, истараси иссиқ комбайнчи йигит Абдуғаффор Искандаров билан суҳбатлашиб қолдик. У ўз тасарруфидаги Нива комбайнини мавсумга ҳар тарафлама пухта тайёрлаган ва бунинг учун мукофот ҳам олган экан.

— Албатта, комбайнчи шошилмай ишласа ҳосилни нобуд қилмайди, техникани ҳам авайлайди. Кўпроқ майдонни ўраман деб ҳосилни пайҳон қилиши мумкин, — дейди Абдуғаффор.

— Гектарга қараб эмас, ўрилган ҳосил миқдорига қараб иш ҳақи тўланиши сизга маъқулми?

— Маъқул бўлганда қандоқ. Мана кеча бир ўзим етти прицеп буғдой ўрдим. Бу 14 тонна дегани. Ҳар тоннаси 50 сўмдан бўлганда 700 сўм ишладим. Ҳам даромаддан, ҳам тоза ўрганимдан кўнглим тўлди.

Дарҳақиқат, у ўриб чиққан майдонда биронта бошоқ тўкилмаган.

Яна бир нарса диққатга сазовор. Комбайнга ҳамроҳ прицепларнинг барчаси устига сим тўр тортиб маҳкамлаб қўйилган: Дон ташувчи нақлиёт воситаларининг барча дон тўкилиши мумкин бўлган жойларига брезентлар қопланган. Бошқача айтганда, ҳар кафт донни авайлаш чоралари кўрилган.

* * *

... Дон — азиз, дон — муқаддас. Уни нобуд қилиш гуноҳи азим. Балки, учқўрғонликларнинг ҳар йили муттасил вилоятда энг юқори ҳосилдорликка эришаётганлари замирида уни авайлаш ва ардоқлаш йўлидаги курашлари ётгандир.

Балки, бу йил ялпи ҳосилни 30 минг тоннага етказишга бўлган ишончлари ҳам шундандир.

Саратонда қуёш рангли ғаллазорда кезганмисиз? Эпкинда олтин бошоқларнинг сирлашаётгандай бошларини бошларига қўйиб, шивирлашгандаги ҳарир оҳангларини тинглаганмисиз? Дунёда бундан-да тансиқ оҳанг йўқ.

Бу оҳангни эшитишни истасангиз, Учқўрғон ғаллазорларига келинг.

Ҳабиб САЪДУЛЛА



Дон нобуд қилинмай ташилмоқда.

Учқўрғондаги «Чорвадор» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Алижон Юсупов билан бригада бошлиғи Баҳодир Маҳмудов ҳосил чўғидан мамнун.

1 2 3 4

Маъмурият Б. Клинтондан мамнун

Тайван маъмурияти раҳбари АҚШ Президенти Б.Клинтоннинг "ўз ваъдасига содиқ қолганидан" мамнуният билдирди.

Хитойга расмий ташриф арафасида Б.Клинтон Хитой-Америка муносабатларини ривожлантиришда Тайван манфаатларига зид иш қилинмайди, деган мазмунда баёнот берган эди. Ушбу ташриф ниҳоясида АҚШ Президенти ўз давлатининг Тайванга муносабатини аниқ белгилаб берди. Яъни, Тайван хусусида АҚШ ташқи сиёсати қуйидагиларга таянади: Тайван мустақил эмас, "иккита Хитой" ёки "бир Хитой, бир Тайван" тамойилига ўрин берилмайди, Тайван давлат мустақиллигини талаб қиладиган халқаро ташкилотлар ишида қатнашмайди. Шу билан бирга, Б.Клинтон Тайванга мудофаа қуроллари етказиб бериш тўхтатилмаслигини ҳам таъкидлади.

Операция муваффақиятсиз чиқди

Сайёрамизнинг энг новча кишиси ҳисобланган покистонлик Аълам Чанна 45 ёшида Нью-Йорк шаҳридаги касалхоналарнинг бирида ҳаётдан кўз юмди.

Бўйи 232 сантиметр бўлган Аълам Чанна буйраги касаллиги туфайли Нью-Йорк шаҳри касалхонасида эди. У операциядан омон чиқмади.

Аълам Чаннанинг номи 1982 йилдан буён дунёда энг новча одам сифатида Гиннеснинг рекордлар китобида қайд этилган.

Гавана ёдгорликлари.

Нобель мукофоти қандай олинади?

Билиб қўйган яхши

1997 йилги Нобель мукофотлари ўз эгаларига топширилди. Иқтисодиёт соҳасида, маълумки, Роберт Мертон ва Майрон Скоулзлар юксак нишон соҳиби бўлдилар.

Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотлари кимга ва нима учун берилган? 1987 йилда Нью-Йоркда чоп этилган «Nobel prize winners» - «Нобель мукофоти совриндорлари» энциклопедияси асосий манба бўлиб хизмат қилди.

Кўриб турибсизки, иқтисодиётнинг халқаро тан олинган маркази АҚШ ҳисобланади. Нишондорларнинг асосий қисми шу ерда етишиб чиққан.Европадан ҳам иқтисодчилар бор. Аммо рўйхатда на Осиё, на Африка, на Жанубий Америкадан номзодлар бор. Гарчи, бир томондан ғалатироқ туюлсада, кейинги ўн йилликда ўз тараққиётида шубҳасиз улкан муваффақиятларга эришган Япония ва бошқа Осиё мамлакатларининг ҳам Нобель совриндорлари сафида биронта вакили йўқ. Россия Саймон Кузнец, Василий Леонтьев ва Леонид Канторович сингари таниқли олимлари билан фахрланиши мумкин, бироқ улардан фақат Канторовичгина тўла маънода ўзини рус (ёки совет) олими деб атай олади. Бошқалари Россия империяси ҳудудида туғилган, холос. Кейин эса йигирма ёшидаёқ СССРдан чиқиб кетишган.Шу боисдан улар америкалик олим ҳисобланишади.

Иқтисодий фаннинг ривожланишига Буюк турғунлик айниқса катта туртки берган. Бу совриндорларнинг ишлари ва иш материаллари мисолида яққол кўзга ташланади. Шуни таъкидлаш керакки, шакли, мазмуни ва ҳажми жиҳатидан Россияда ҳам талай, хилма-хил ишлар қилинаяпти. Китоблар, мақолалар, маърузалар, тақризлар ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларнинг энг муҳим аҳамияти — ўз пайтида фаннинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатган. Ишлар совриндор томонидан тўла мустақил ёки ҳаммуаллифликда ёзилган бўлиши ҳам мумкин. Афсуски, Россияда гарчи буларни ўрганиш керак бўлса-да. Канторовичнинг ишларидан бошқа ҳеч нарса эълон қилинмаган. Айниқса иқтисодий бўҳроннинг олдини олиш ҳақидаги материалларни ўрганиш фойдадан ҳоли эмас. Бироқ, Россияда дўппини ерга олиб қўйиб, бошқаларнинг хатоларини ўрганиш, ундан сабоқ олиш ўрнига мамлакат тараққиёти ўзига хос дея ўзларини донишмандларча тутиб, ўзгалар аллақачон ўтиб кетган хато йўллардан юришни афзал билишади.

Агар 1997 йилги мукофотнинг берилиш хусусиятлари ҳақида гапирилса, мутахассислар Швеция Қироллик фанлар академияси шу кезгача иқтисодчи назариячиларнигина мукофотлаб келганини таъкидлайдилар. Бу йил ана шу анъана бузилди ва мукофотни иқтисодчи-амалиётчилар олишди. Роберт Мертон ва Майрон Скоулзнинг хизмати шундаки, улар 70-йиллардаёқ сохта қимматли қоғозлар (фьючерслар, опционлар, варрантлар, своплар) қиймати баҳосини аниқлаш усулини ишлаб чиқишган дейилмоқда. 1973 йилдан буён минглаб трейдерлар ва инвесторлар ушбу усулдан фойдаланишмоқда, деб таъкидланмоқда. Одатдагидек, скептиклар бундай қарорни қаттиқ қораламоқдалар. Назарий жиҳатдан қараганда, янги совриндорлар бирон бир ғайритабиий нарса қилмаганлар. Амалий жиҳатдан қараганда эса 1995 йилда ҳосила қимматли қоғозлар бозорида ҳаддан ташқари ўйинга берилиб кетгани учун Британиянинг йирик ва қадимий Barings банки ҳалокатга учрагани дарҳол эсга тушади. Ва шундай савол туғилади. Нега у ўша усулдан фойдаланмади. Агар фойдаланган бўлса, нега хонавайрон бўлди?

Нима бўлганда ҳам мукофотлар берилди...

Таҳририятдан: Альфред Нобель /1833 йил 21 октябрда Стокгольмда туғилган/ — швед кимёгар-экспериментатори ва бизнесмени, динамит ва бошқа портловчи моддалар ихтирочиси. 1896 йилга /ўша йили вафот этган/ келиб унинг қўл остида 93 корхона ишлади ва 66,5 минг тонна портловчи моддалар ишлаб чиқарди. Нобель Россия билан фаол ҳамкорлик қилган. Масалан, унинг динамитлари Боку атрофидаги нефть конларини бурғулаш ишларида қўлланилган.

У ўзининг васиятномасида: «Барча маблағлар менинг иш юритувчиларим томонидан ишончли сақланиши ва фонд ташкил этилиши, у эса ҳар йили ўтган йил давомида инсониятга энг кўп наф келтирган шахсларга пул мукофоти тарзида берилиши лозим», деб ёзган эди. Даставвал 5 та мукофот: физика, химия, физиология ёки тиббиёт, адабиёт ва тинчлик соҳаларида бериш кўзда тутилди. Биринчи мукофотлар 1901 йилда берилди. 1968 йилда Швеция банки иқтисодиёт соҳасига ҳам мукофот ажратиш таклифини киритди. Бу мукофот биринчи марта 1969 йилда топширилди.

Мукофотларни бериш тартиби қуйидагича: кимё, физика ва иқтисодиёт бўйича мукофотларни Стокгольмдаги Қироллик фанлар академияси, адабиёт бўйича Швеция академияси, физиология ва тиббиёт бўйича Стокгольмдаги Каролина тиббиёт-жарроҳлик институти, тинчлик бўйича мукофот эса Норвегия парламенти томонидан берилади.

Бу ташкилотлар 5 кишидан иборат махсус Нобель комитетлари томонидан таъсис этилган. Комитетлар номзодларни танлайдилар, уларнинг малакасини баҳолайдилар, тараққиётга қўшилган улушини аниқлаш учун экспертларни жалб этадилар, номзодларни муҳокама этиб, ҳисобот ва тавсияномалар тайёрлайдилар. Кейин ўз ишларининг якунини мукофот берилиши учун тақдим этадилар. Бу ишлар ўта пинҳона бажарилади. Ошкора муҳокамага йўл қўйилмайди. Мукофотларга нисбатан ҳеч қандай раддия қабул қилинмайди ва ошкор этилмайди.

Октябрь ойида нишондорлар тасдиқланади ва Стокгольмдаги матбуот анжуманида унинг якунлари эълон қилинади. Нишондорлар, уларнинг оила аъзолари Стокгольмга таклиф этиладилар ва шаҳардаги Концерт залида мукофотларни топшириш маросимлари бўлиб ўтади. Мукофотларни Швеция қироли топширади. Ослода ҳам шундай маросимлар бўлиб ўтади. Қарор топган анъанага кўра, нишондорлар йиғилганлар олдида ўзларининг Нобель маърузаларини ўқийдилар.

Мукофотлар миқдори доимо ошиб боради, чунончи, 1997 йилда у 992 минг долларни ташкил этди.

Хорижий манбалар асосида
Норбобо ШАКАРОВ
тайёрлади

ИҚТИСОДИЁТ БЎЙИЧА НОБЕЛЬ МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ

Йил	Исми	Нима учун берилган	Таржимаи ҳоли
1969	Ян Тинберген	Иқтисодиёт бўйича биринчи Нобель мукофоти Фриш билан ҳамкорликда иқтисодий жараёнлар таҳлилида динамик моделларни яратгани ва қўллангани, эконометрика фанини яратгани учун берилди.	1903 йилда туғилган Нидерландия
	Рагнар Фриш	Иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда динамик моделларни яратгани ва қўллагани, эконометрика тушунчасини, микро ва макроэкономика терминларини яратгани учун	1895-1973 й. Норвегия
1970	Пол Сэмюэлсон	Статик ва динамик иқтисодий назарияни ривожлантиргани, иқтисодий фан соҳасидан умумий таҳлил даражасини юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун	1915 йилда АҚШда туғилган.
1971	Саймон Кузнец	Иқтисодий ўсишнинг эмпирик асосланган талқини учун	1901-1985 йил АҚШ (Украинада туғилган, 1921 йилдан АҚШда).
1972	Жон Хикс	Умумий мувозанат назарияси ва фаровонлик назарияларига қўшган илғор ғоялари учун	1904-1989 йил, Англия
	Кеннет Эрроу	Умумий мувозанат назарияси ва фаровонлик назарияларига қўшган илғор ғоялари учун	1921 йил АҚШда туғилган.
1973	Василий Леонтьев	«Харажат-ишлаб чиқариш» усулини ривожлантиргани ва уни муҳим иқтисодий муаммоларда қўллагани учун	1906 йилда Россияда туғилган, 1931 йилда АҚШга эмиграция бўлган.
1974	Гуннар Мюрдаль	Пул иқтисодий ўзгаришлар назарияси соҳасидаги асосли ишлари ҳамда иқтисодий, ижтимоий ва институционал ҳолатларнинг ўзаро боғлиқлигини чуқур таҳлил қилгани учун	1898-1987 йил, Швеция
1974	Фридрих фон Хайек	Пул, иқтисодий ўзгаришлар назарияси соҳасидаги асосли ишлари ҳамда иқтисодий, ижтимоий ва институционал ҳолатларнинг ўзаро боғлиқлигини чуқур таҳлил қилгани учун	1899 йил туғилган, Англия
1975	Леонид Канторович	Ресурсларни оптимал тақсимлаш назариясига қўшган ҳиссаси учун	1912-1986 йил, Россия
	Тъяллинг Ч. Купманс	Ресурсларни оптимал тақсимлаш назариясига қўшган ҳиссаси учун /Канторович билан ҳамкорликда/	1910-1985йил, Нидерландияда туғилган, АҚШда ишлаган.
1976	Милтон Фридмен	Истеъмол, пул муомаласи тарихи, таҳлили ва монетор назарияни ишлаб чиққани шунингдек, иқтисодий барқарорлашув сиёсатининг мураккаблигини амалда кўрсатгани учун	1912 йил АҚШда туғилган
1977	Жеймс Мид	Халқаро савдо ва халқаро капитал ҳаракати назариясига биринчи бўлиб қўшган ҳиссаси учун	1910 йилда Англияда туғилган
1977	Бертиль Улин.	Халқаро савдо ва халқаро капитал ҳаракати назариясига биринчи бўлиб қўшган ҳиссаси учун	1899-1959 йил Швеция
1978	Герберт Саймон	Иқтисодий ташкилотлар доирасида қабул қилинган қарорлар жараёнини ўрганиш борасидаги янгича тадқиқотлари учун	1916 йилда АҚШда туғилган.
1979	Льюис У. Артур	Ривожланаётган мамлакатларда муаммоларга илова қилинган иқтисодий ривожланишни тадқиқ этишдаги илғор ишлари учун	1915 йил Вест-Индияда туғилган, қора танли
1979	Теодор Шульц	Ривожланаётган мамлакатларда муаммоларга илова қилинган иқтисодий ривожланишни тадқиқ этишдаги илғор ишлари учун. Одам капитал баҳосини ҳисоблаб чиққан.	1902 йилда АҚШда туғилган
1980	Лоуренс Клейн	Иқтисодиёт ва иқтисодий сиёсатнинг ўзгаришини таҳлил қилишда иқтисодий моделларни яратгани ва уни амалда қўллагани учун	1920 йилда АҚШда туғилган
1981	Жеймс Тобин	Молия бозорларининг ҳолати ва уларнинг сарф-харажатлар, ишсизлик аҳволига, ишлаб чиқариш ва нарх-наволар соҳасида қабул қилинадиган қарорлар сиёсатига таъсирини таҳлил қилгани учун	1918 йилда АҚШда туғилган.
1982	Жорж Стиглер	Саноат таркиби, бозорларнинг ишлаши давлат томонидан назорат қилишнинг сабаб ва натижаларини тадқиқ этишдаги илғор ишлари учун	1911 йилда АҚШда туғилган
1983	Жеррад Дебре	Умумий мувозанат назариясига қўшган ҳиссаси учун	1921 йилда туғилган, Франция-АҚШ
1984	Ричард Стоун	Иқтисодий фаннинг /хусусан миллий ҳисоблар/ ривожига қўшган таъсирчан ҳиссаси ва илғор ишлари учун	1913 йилда туғилган. Англия
1985	Франко Модильяни	Жамғармаларга нисбатан одамларнинг хулқ-атворини таҳлил қилгани учун	1918 й. Италияда туғилган. 1939 йилда АҚШга қочган ва ўша ерда ишлаган.
1986	Жеймс М. Бьюкенен	Иқтисодий ва сиёсий қарорлар қабул қилишнинг шартномавий ва конституцион асослари назариясини тадқиқ этгани учун	1919 йилда туғилган. АҚШ.
1987	Роберт М. Солоу	Иқтисодий ўсишни фундаментал тадқиқ этгани учун	АҚШ
1988	Морис Алле	Инвестиция ва фоиз ставкалари назариясини яратгани учун	Франция
1989	Тругве Ховельмо	Эконометрия ва ишлаб чиқариш функциялари назарияси соҳасидаги ишлари учун	Норвегия
1990	Гарри Маркович, Мертон Миллер, Уильям Шарп	Молия соҳасидаги тадқиқотлари учун	АҚШ
1991	Рональд Коуз	Трансакцион чегирмалар ва мулкдорлик ҳуқуқини ишлаб чиққани учун	АҚШ
1992	Гэри Беккер	Микроиқтисодий таҳлиллар доирасини кенгайтиргани учун	АҚШ
1993	Дуглас Нот. Роберт Фоужел	Тарихий воқеаларни ўрганишда иқтисодий назарияларни қўллагани учун	АҚШ
1994	Райнхардт Зельтен, Жон Нэш, ЖонХаршаньи	Нокооператив ўйинлар таҳлили бўйича ишлари учун	Германия, АҚШ
1995	Роберт Лукас	Иқтисодиётда истеъмолчиларнинг етакчилик ролига бағишланган ишлари учун	АҚШ
1996	Жеймс Миррлиз, Уильям Викри	Тўлиқсиз ахборотлар шароитида молиявий қарорлар қабул қилиш назариясини ишлаб чиққани учун	Буюк Британия, АҚШ.
1997	Роберт Мертон, Майрон Скоулз	Ишлаб чиқариш қимматли қоғозларини баҳолаш усулини яратгани учун	АҚШ

Осмондаги «сув пари»лар

Сув парилари қаерда яшайди? Сув остида-да, дерсиз ҳеч иккиланмай. Йўқ, сув парилари осмондаям яшайди, яшамасаям жилла қурса ишлайди. Эътироз билдиришга шошилманг. Мана, айтайлик Японияда ги «пари»лар шунақа. Аниқроғи, "Fun — Time Flightg" авиакомпанияси хизматдаги стюардессаларга антиқа иш кийимини жорий қилишга қарор қилди. Йўловчиларга само маликалари эмас, «сув парилари» хизмат кўрсатади. Янги «иш кийими»га кўра стюардессалар фақат чўмилиш либосларидагина қаршингизда «нима истайсиз?» дейди ширин жилмайиб.

Тўғри, балки бу «парилар»га бироз эътирозлар, таъналар бўлар. Шундай бўлсада, 100 нафар «сув парилари» аллақачон шартномага жимжимадор имзо чекишди.

«Учар тарелка»лар ҳақида янги ҳақиқат

1948 йил 7 январь кеч соат 5 лар атрофида «Ф — 51» самолётининг синиқлари топилди. Учувчи капитан Томас Мантелл номаълум учувчи жисм ортидан қувиб 2 соат муқаддам Кентукки штатининг Форт-Нокс сарҳадида ҳалокатга учраганди. Ўшандан бери мазкур воқеа ҳақида юзлаб турли-туман тахминий фикрлар, бир-бирини инкор этувчи мақолалар ёзилди, бироқ аслида нима рўй берганини ҳали ҳануз ҳеч ким билмайди. Қуйида шу мавзуга бағишланган янги текширув-тадқиқот натижаларини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этамиз.

1. Томас Мантелл ниманинг ортидан қувган эди?

Ҳаммаси Майсвиллдан бошланди. Ўшанда бир неча киши шаҳар устида қандайдир номаълум учувчи жисм учиб юрганини кўришган ва аввал ҳеч бунақасини учратишмагани учун дарҳол ҳарбий ҳаво кучларининг Годмендаги базасига қўнғироқ қилишиб, ушбу воқеага аниқлик киритиб беришларини сўрашади. Бироқ жавоб... Бу кўриниш инкор этилди, тўғрироғи, сир тутилди, ваҳоланки, кузатув-назорат пункти хизматчилари локатор экранида уни яққол кўришиб турган бўлишса-да. 20 дақиқадан сўнг йўл-соқчи хизмати ходимлари ҳам ўша савол билан уларга мурожаат этишади.

Худди шундай номаълум учувчи жисм шаҳарнинг бошқа жойларида — Ирвингстон ва Овенсборда ҳам кўрингани маълум бўлди.

База ҳарбийлари шаҳар осмонининг жануби-ғарбий қисмида жуда секин ҳаракатланаётган объектни дерли бир соатдан ортиқроқ вақт кузатишди, бироқ ҳеч ким тушунмади, бу нима эканлигини. Фақат бир нарса аниқ эди — у самолёт ва вертолёт эмасди, негаки, жуда секин ва шовқинсиз ҳаракатланарди.

Шу пайтда Миллий мудофаа кучларига қарашли «Ф — 51» русумли 4 та назоратчи-кўриқчи самолёт самода — «постда» эди. Ўша пайтда бу самолётлар энг зўри ҳисобланарди. Боши қотган кузатувчилар осмонда учиб юрган капитан Мантеллга ердан туриб хабар беришди: шаҳар тепасида номаълум нарса учиб юргани ва уни аниқлаб беришни сўрашди. Ўз навбатида Мантелл бунга розилик билдириб, дарҳол «асир» олишга ваъда берди.

Бу пайтда учувчилардан бирининг ёнилғиси тугаб, базага қайтишга мажбур бўлади. Икки учувчи эса Мантелл изидан учиб кетишади. Бироқ уччалови ҳам ҳеч нарса кўрмаётганини айтишади. Ердан узатилган хабарга асосланиб, йўналишни тўғрилашади ва янада баландликка кўтарила бошлашади.

Ҳарбий ҳаво кучлари вазирлигининг расмий ҳисоботида айтилишича, уч самолёт ҳам объектга яқинлашган ва у улкан металл кўринишда эканлигини хабар қилишган. Учувчилардан бири эса «кўз ёшидек думалоқ, лекин бир кўришда суюқлик»ка ҳам ўхшаб кетишини айтган.

Самолётлар 5000 метр баландликка кўтарилганда Мантеллнинг икки кузатувчиси ортига қайтишга мажбур бўлади, негаки, бундай баландликда учишни давом эттириш учун уларда кислород заҳираси йўқ эди.

Бир оздан сўнг эса капитан объектни топганини, у ўз самолётига қараганда икки карра секин ҳаракатланаётганини, шу пайтда объект Мантеллнинг устида эканлигини хабар қилади: «Объектни яхшироқ кўриш учун унга яқинлашяпман, — дея хабарлади Мантелл. — Мана, у менинг тепамда. Аввалгидек мендан икки карра секин ҳаракатланяпти... Металл кўринишда экан, лекин жуда катта. Энди баландликка кўтариляпти, тезлигини оширди. Менинг тезлигимда, яъни соатига 360 милда учяпти. 6 километр баландликкача кўтариламан, агар яқинлашолмасам ортимга қайтаман».

Кундуз соат 3 дан 10 дақиқа ўтганда Мантелл ўзининг кўзлаган баландлигига етди. Бироқ шундан сўнг алоқа умуман йўқолди.

Соат 15.20 да икки самолёт Годмендаги базага қайтиб тушди. Бир неча дақиқадан сўнг улардан бири яна сирли объектни қидириш учун учиб кетди, лекин ҳеч нарсага дуч келмади: на объектни, на Мантелл самолётини топди. Шундан сўнг жанговар қидирув бошланди. Кеч соат 5 да Форт-Нокснинг ўнча узоқ бўлмаган ерда «Ф — 51»нинг парчалари топилди. Самолёт синиқлари ярим мил атрофда сочилиб ётарди. Капитан жасади эса пачақланган самолёт ичида эди. Унинг соати 15.18 да тўхтаб қолганди. Илмий фаразларга кўра, худди шу пайтда самолёт ерга санчилган. Бироқ Мантелл аввалроқ, яъни самодаёқ кислород етишмасдан қазо қилган.

«Ф — 51»лар ўта баландликка мўлжалланмаган, шунинг учун уларнинг барчаси ҳам кислородли ускуналар билан жиҳозланмаган эди. Шу важдан Мантелни кузатиб борган икки самолёт учувчиси 4500 метрдаёқ ортга қайтишга мажбур бўлишган.

Шу куни 2 соатлардан кейин Лоҳборндаги ҳарбий ҳаво кучлари базасида ва Огайо штатида ҳам худди ўша НУЖ кузатилган. Кузатувчиларнинг айтишича, «С — 47» самолётидан каттароқ номаълум объект соатига 500 мил тезликда учган. У оқ ва сариқ нур таратарди, — дея тасдиқлашарди гувоҳлар. — Ўзидан беш баробар катта из қолдирарди. Бироздан сўнг объект хиралашиб қолди ва аста кўздан ғойиб бўлди.

Ушбу воқеадан сўнг Қўшма Штатлар бўйлаб ҳар хил овозалар тарқалди. Бир хил овозаларда Мантелл номаълум объектга яқин боргани учун объект уни йўқ қилиб ташлаган дейишса, бошқа бирида капитан танаси номаълум жисм билан илма-тешик қилингани айтиларди. Яна бошқа хилида эса учувчининг жасади топилмаган, уни само келгиндилари ўғрилаб кетишган, дейиларди. Бу овозалар бекорга тарқалмаганди. Негаки, видолашув пайтида марҳумнинг жасади ҳеч кимга кўрсатилмаган, тобутни очишга рухсат йўқ эди. Сабаб: учувчининг жасадини кўрган асаби бўшлар чидай олмаслиги аниқ эди. Бундан ташқари экспертиза натижалари ҳам эълон қилинмади.

АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари бу ишни синчиклаб текшириш учун энг зўр мутахассисларни жалб этди. Самолёт синиқларини текшириб, радиоалоқаларни қайта эшитиб ва гувоҳларни сўроқдан ўтказгач, мутахассислар шу нарсага амин бўлишдики, Мантелл кислородли асбобларсиз жуда баландга кўтарилган.

Ҳарбий ҳаво кучларининг тартиб-қоидасига кўра, барча учувчилар махсус барокамераларда синовдан ўтказилади, яъни бу синовлар оддий — учувчи қарталарни ранг-тасвирига қараб тахлаши лозим ва шу пайтда барокамерадаги босим фазо баландликларидаги босим билан тенглаштирилади: 7500 метр баландликдаги босимга тенглашганда вазифани бажариш мумкин бўлмай қолади. Ҳатто зўр учувчилар ҳам қизил билан қора рангнинг фарқига бормайди. Тажрибалардан маълумки, бундай баландликда миянинг ўртача иш давомийлиги 10 сониядан ошмайди, сўнг ҳушдан кетиш бошланади.

Тахмин қилишларича, Мантелл беш мингинчи метрдан юқорига кўтарилгандаёқ унда ҳушсизланиш жараёни бошланган. Унинг самолёти эса тезлик автомат тарзда ташламагунча кўтарилаверган ва босим ўзгаришига дош беролмай ерга қулаган. Қулаш жараёнида ҳаво босимига чидай олмай самолёт қанотлари синиб кетган. Мантелл ўлди. Бироқ у «Ниманинг ортидан қувди?» деган саволга ҳали ҳануз аниқлик киритилмади.

Чақирилмаган «меҳмон»

Исталмаган вақтда кимдир кеп қолади, тўғрими. Лекин, фақат одамгина меҳмонга борадими? Йўқ, табиатдаги жонсиз жисмлар ҳам баъзида бизни «йўқлаб» туради. Бошқирдистондаги Нурово қишлоғида яшовчи Усмоновлар хонадонига осмондан лоп этиб «чақирилмагани» тушди. Хонадон эгалари шу куни тонгги соат 6 ларда кундагидай ҳовлида куймаланишарди. Ҳеч кутилмаганда уй тепасида апельсиндай келадиган оловли шар пайдо бўлди. Очиқ турган деразадан тўппа-тўғри уйга «кирди». Олдинига полдан ярим метр баландликда ғалати «ҳуштак» чалиб айланди-ю, кейин мебелга урилиб «ёрилди». Пол куя бошлади. Яхшиямки, оила аъзолари ҳушёрлик қилиб, ўтни вақтида ўчириб қолишди. Мутахассисларнинг фикрича, ҳамма яшинлар ҳам шундай фалокатли бўлавермайди. Баъзан «олов шар»ларнинг ҳажми бир неча 10 сантиметргача етади.Ўзидан иссиқлик энергияси чиқармасдан ҳавода «ёрилиши» ҳам мумкин.

Ҳақиқат ва бадиий талқин

Мен Олий Мажлиснинг XI сессиясида қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунни аста-секин етилиб борган миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришига ўтиш ҳолатидаги муҳим ҳужжат деб биламан.

Ўтмиш даврда вужудга келган ақидалар, ваҳҳобийчилик таълимоти, экстремизм оқими келтириб чиқарган жаҳолат, хурофотлар асосида халқ оммасини тарбиялаб бўлмайди. Афсуски, кейинги пайтларда ақидапарастлик авжига чиқа бошлади. Булар юртбошимиз Ислом Каримов нутқларида ҳамда XI сессияда қабул қилинган қонунда жуда яхши таҳлил қилиб берилган. Мен ҳаётимизда юз бераётган айрим ҳодисалар ҳақида айтиб ўтмоқчиман. Яқинда қўлимга ваҳҳобийчилар томонидан тайёрлаб тарқатилган бир варақа тушиб қолди. Яна ушбу варақани йигирма нусха кўчириб тарқатиш мажбурияти юклатилган. Кимки бу «савобли» ишни бажармаса, Оллоҳнинг ғазабига учраши ва ишлари юришмай турли нохушликларга дуч келиши муқаррарлиги таъкидланган. Ё тавба, ахир мажбур қилиб динга сажда қилдириш гуноҳи азим, Қуръони каримга зид-ку.

1

Бразилия собит... ё янги чемпион

Футбол тасодифларга бой ўйин экани маълум. Бу айниқса халқаро ва жаҳон чемпионатларида яққол кўзга ташланади. Қизиғи шундаки, ҳамиша ҳам мухлислар кутганича ёки башорат қилганича бўлавермайди. Чемпионликни орзу қилиб Франциягa келган 32 жамоанинг ҳар бири ҳар жиҳатдан ўзини кўрсатишга қодирлиги табиий эди. Зеро, ҳамиша зўрлардан ҳам, зўрлар чиқади-да. Таъбир жоиз бўлса, биттагина «чақилмас ёнғоқ» қолади. Хўш, бундай шарафга қайси жамоа эришаркин. Ишқибозлар умид боғлаган қанчадан-қанча жамоалар томошабинга айланишди. Улар орасида Италия, Германия, Аргентина каби жаҳон чемпиони номига сазовор бўлган жамоаларнинг борлиги ҳайратланарли. Аслини олганда, бундай йирик баҳсларнинг чорак финалидаёқ кимларнинг қаергача бориши ойдинлашиб қолади. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

Жаҳон чемпиони — Бразилия футболчилари тўрт марта ғалаба завқини суришган. Францияда ҳам чемпионларга хос ўйин кўрсатиб туришибди. Лекин, ярим финалга ўтиш учун курашда Аргентина, Италия ва Германия жамоаларининг «эшелон»дан тушиб қолишлари қизиқ бўлди. Мана энди, Лотин Америкасининг ягона вакили — Бразилия футболчилари чемпионликка орзуманд Голландия, Франция ва Хорватия жамоалари қаторида курашни давом эттирмоқда. Агар, Бразилиянинг омади чопиб бешинчи марта зафар қучса нур устига аъло нур, албатта. Бўлмаса, илк марта янги чемпион юзага келади.

Бразилия — Дания учрашувида қутилмаганда оврўпача ҳаракат бошланди. Гап шундаки, Дания футболчилари гўё Бразилия усулини қўллагандек ўйин бошидаёқ, яъни 3-дақиқада ҳисобни очишга муваффақ бўлишди. Тўпни Мартин Йоргенсен дарвозага йўллади. Шундан кейин, чемпионлар жонландилар. Роналдо жамоадошлари 11- дақиқадаёқ ҳисобни тенглаштиришди. Бебето ўзини кўрсатди. 26-дақиқага борганда Ривалдо чемпионларни олдинга олиб чиқди. Лекин, Дания футболчилари ҳам бўш келмасликка уринишди. Танаффусдан кейин, Бриан жавоб тўпи тепди. 51-дақиқага борганда чемпионлар ғалаба тўпини дарвозага йўллаб, 3:2 ҳисобида устун келишди. Голландия — Аргентина учрашувида 2:1 ҳисоби қайд қилинди. Ўйин узоқ вақт 1:1 бўлиб турди. Голландиялик Денис Бергкампнинг аниқ зарбаси ғалабани таъминлади. Ишқибозлар 1978 йили ҳал қилувчи учрашувда аргентиналиклар 3:1 ҳисобида голландларни доғда қолдиришганини яхши эслашади. Мана энди орадан шунча йиллар ўтиб, чорак финалда голландлар «ҳисоб-китоб» қилиб қўйишди.

Италия — Франция учрашуви ҳам чакки бўлмади. Лекин, ҳар иккала жамоа ҳам ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ўйнагани учун асосий ва қўшимча вақтда ҳам ҳисоб очилмади. Бештадан 11 метрлик жарима тўплари тепиш бўйича французлар устун (4:3) келишди. Аммо, мухлислар Германия — Хорватия учрашувидаги шиддатни ўзига хос финал баҳсига қиёслашмоқда. Ҳақиқатдан ҳам олмонларнинг бунчалик таҳликага тушиб қолишларини ҳеч ким кутмаган эди. Бир сўз билан айтганда хорватлар «немис машинаси»ни тўхтатишди. Олмонларнинг барча ҳаракатлари зое кетди. Хорватлар шундай шиддат кўрсатишдики, бунақанги тезкор ўйин ҳали бўлмадиёв. 47-дақиқада (қўшимча вақтда) Роберт Ярни ўзини кўрсатди. Танаффусдан кейин Горан ғалабани мустаҳкамлади. 85-дақиқага борганда Давор Шукер ҳисобни 3:0 га етказди. Ҳар бир ҳаракат ва шиддатнинг бекорга бўлмаслиги табиий. Ишқибозлар 2 йил аввал Европа чемпионатининг чорак финалида олмонларнинг Хорватия устидан ғалаба (2:1) қозонишганини яхши билишади. Пайти келиб Хорватлар олмонлар йўлини тўсиб қўяқолишди.

Бугун ярим финалнинг дастлабки учрашувида Бразилия — Голландия жамоалари майдонга тушадилар. Эртага Франция — Хорватия учрашуви бўлади. Ана шу икки учрашув финалда кимларнинг чемпионлик учун курашишини аниқлайди. Кўрамиз, чемпионлар ўзларига собит қоладиларми, ёки янги чемпион билан танишамизми?

Ҳайдар НОСИРОВ

ЧЕМПИОНАТНИНГ ФИНАЛ ЎЙИНЛАРИ

	1/8	1/4	1/2	Финал
A1	Бразилия	Бразилия	Бразилия	Бразилия — Голландия; Франция — Хорватия
B2	Чили 4:1	Дания 3:2	Голландия	Финал Сен-Дени
D1	Нигерия	Голландия	Франция	Учинчи ўрин учун Париж
C2	Дания 1:4	Аргентина 2:1	Хорватия	
E1	Голландия	Италия		
F2	Югославия 2:1	Франция 3:4		
H1	Аргентина	Германия		
G2	Англия 4:3	Хорватия 0:3		
B1	Италия			
A2	Норвегия 1:0			
C1	Франция			
D2	Парагвай 1:0			
F1	Германия			
E2	Мексика 2:1			
G1	Руминия			
H2	Хорватия 0:1			

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 7 iyul, seshanba № 80 (22.317).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Саида ЙЎЛДОШЕВА,
навбатчи Маъмуржон ҚИЁМОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
•
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 19.963 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ.
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0156

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.20
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ҳар бир фуқарога истаган динни танлаш ёки танламаслик ҳуқуқи берилган-ку. Нега биз адолатли Конституциямизни, виждон эркинлиги ҳақидаги Қонунни бузишимиз керак бўлиб қолди.

Маълумки, охирги вақтларда керагидан ортиқ масжидлар қурилди. Шу жумладан бизнинг маҳаллада ҳам масжид қад кўтарди. Лекин бу камлик қилди чоғи, яна бир масжид қуриш ҳаракатига тушиб қолишди. Улар савобли иш қилиб, гуноҳлардан фориғ бўлмоқчимиз, илтимосномага қўл қўйиб бersангиз, дейишди. Мен уларга намоз ўқийдиган макон мавжуд, сиз масжид билан бирга бир мактаб ҳам қуриб беринглар ёки болалар боғчаси десам, «пулимиз етмайди» деб қолишди.

Дин ниқобидаги ақидапарастлар биз ёшларни «муқаддас» таълимот билан озиқлантираётирмиз деб жар соладилар, ҳижобга буркайдилар. Яна ҳукуматга тош отмоқчи бўладилар. Гўё ҳукумат динга тазйиқ ўтказаётган, руҳонийларга ноҳақ жазо бераётган эмиш... Мен бу экстремистларга, ёлғон-яшиқ билан ёшларни чалғитмоқчи бўлганларга тарих сабоқларини аллома шоирларимиз асарлари мисолида эслатиб ўтмоқчиман.

Халқ, донишманд алломалар ҳамиша ақидапарастларни, ваҳҳобийчиларни, дин ниқобидаги инсофсиз кимсаларни қаттиқ қоралаган, барча кирдикорларини турли мазмун ва шаклда фош қилганлар. Гапни халқ оғзаки ижодидан бошлайлик:

«Одамнинг ёмони мулла,
Мулланинг иши ҳийла».

Халойиқ нега бундай қарорга келди? Бунга ҳам халқ ижодидан жавоб топамиз:

«Хўжам деб хуржунимдан айрилдим,
Тўрам деб тўрвамдан айрилдим».

Инсофсиз, баднафс руҳонийларнинг асосий нияти халқни таладаш, қандай бўлмасин бойлик орттириш. Бу ҳақиқат халқ ижодида ёрқин ифодаланади.

Маънавият чироқлари

Фольклор асарларидаги танқидий руҳ ёзма адабиётга ҳам ўтиб, янада зўр мазмун билан бойиди. Мана ислом динининг тарғиботчиси ва умрининг охиригача унга садоқат билан хизмат қилган Аҳмад Яссавийдан эшитайлик:

«Мулло, муфти бўлғонлар ёлғон даъво қилғонлар,
Оқни қаро қилғонлар ул тамуғга кирмишлар.
Қози, имом бўлғонлар, ноҳақ даъво қилғонлар,
Ҳимор янглиғ бўлибон юк остида қолмишлар».

Бу алломанинг тўғрилик тантана қилиши, диндорларнинг инсоний фазилатларга эга бўлишлари учун астойдил курашганлигини юқоридаги мисоллар исботлаб турибди.

Тили бошқаю, дили бошқа, ҳийлада суяги йўқ шайхлар, зоҳидлар, саидлар улуғ шоир Алишер Навоийнинг қаҳрига дуч келадилар:

«Ғазабда сабу, шаҳват ичра баҳим
Агарчи эрур одамизода шайх».

Шаҳватда шайх ташқи томондан инсон бўлса ҳам, ички моҳияти, қилмишлари билан йиртқич ҳайвондан ҳам баттардир.

Бу борада Машрабнинг алоҳида ўрни бор. Унинг диққат-марказида масжид ва турли йиғинларда ваъз- насиҳат қилувчи шайх, мулла имомларнинг тилларида художўйлик, дилларида ҳийлаю макр, бойлик орттириш ниятларини фош қилиб турган.

«Сен, эй зоҳид насиҳатни бугун меҳробт аро қилғил,
Жаҳонда кўрмадим ҳаргиз киши сендек риёлиғни».

Алишер Навоий, Боборахим Машраб каби шоирлар динни хурофатдан асраш, софлигини, иймонга путур етказувчи ақидапарастлардан сақлаш мақсадида фирибгар, алдоқчи дин пешволарини қаттиқ танқид қилиб, хурофий маросимлар, жирканч урф-одатларга қарши кураш олиб бордилар. Уларнинг чуқур эстетик, ижодий хулосалари ва эркин фикрларга чорлашлари ислом фундаментализмини пучга чиқаришга, маънавият ва маърифат нурларини кенг халқ оммасига ёйишга хизмат қилган. Муқимийдан бир мисол келтирамиз:

«Шул эрур кашфу-кароматики бўйлаб субҳушом,
Чиқса ҳар ердан бир ис, ҳозир хабардор авлиё».

Сезганингиздек «Авлиё» шеъридан олинган парчада текинтомоқ руҳоний образи яратилиб, ислом фундаментализмининг туб моҳияти ҳажв остига олинаётир.

«Хурофот, — деб ёзган эди буюк француз адиби Э. Золя, — хавфли нарса, унга йўл беришнинг ўзи маълум даражада қўрқоқлик аломати. Унга чидашнинг ўзи калтабинлик билан абадий тотувликда яшаш ва ўрта асрчилик зулматини қайта тиклаш дегани эмасми? Хурофот кишини ожиз қилади, ақлдан оздиради». Буни чуқур тушунган маърифатпарвар шоир ва адиблар бутун қаҳри-ғазабини ақидаларга муккасидан кетган халқни чалғитган кимсаларга қарши қаратдилар.

Барча адиб ва шоирлар ислом фундаментализмига ўз қарашларини бадиий шаклда изҳор этиб, адабий образлар орқали унинг реакцион табиатини очиб берганлар. Биз Маккани зиёрат қилиб ҳожи бўлиб келган атоқли шоир Абдулла Ориповдан бир мисол келтириш билан чекланамиз:

«Ҳалоллик исломда энг олий матлаб,
Тўғрилик муслимнинг асл гултожи,
Бир куни ўртада шайтон оралаб,
Ҳожининг ҳамёнини урдику ҳожи».

Мустақиллик даврининг қадрига етмаган, турли йўллар билан мамлакатимиз ривожига тўсиқ бўлиб келаётган ақидапарастлару ваҳҳобийчилар, текинхўрлар, юлғичлар, ўғриларга қарши, халқ мулкига кўз олайтириб, уни турли йўллар билан талон-торож қилаётганларга қарши курашда мумтоз меросимиз бизга муқаддас зиёратгоҳдир.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
филология фанлари доктори

Орасталик танлови

Куни кеча Бўстонлиқ туман ҳокимияти томонидан «Орасталик» кўрик-танлови ўтказилди. Ғазалкент шаҳрида ўтказилган ушбу танлов соч турмаклаш, кийиниш ва муомала маданиятига бағишланди.

Фарҳод Шомуродов раҳбарлигидаги танлов ҳайъати 30 нафар ёшнинг маҳоратини баҳолаб борди. Ғазалкентдаги «Шодлик» маиший хизмат уйи устаси Салтанат Алимовани ғолиб деб топишди. Шу жамоа устаси Жавлон Зуннуров «Қўли гул сартарош» унвонини олди. Ғолибларга Бўстонлиқ туман ҳокимиятининг совғалари берилди.

Беллашувга шунингдек, Тошкентдаги «Дилором» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ҳам ҳомийлик қилди.





Франция. Тулуза шаҳри кўринишлари.
Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА) олган суратлар

ДИҚҚАТ!

1998 йил 23 июнь куни «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 74-сонида 3, 17 ва 31 июль кунлари Тошкент шаҳар кўчмас мулк биржасида кимошди савдоларига қўйилган объектлар рўйхати чоп этилган.

Навбатдаги 17 ва 31 июль кунлари ўтказиладиган кимошди савдоларига 23 июнь куни чоп этилган объектларга қўшимча қилиб қуйидаги объектлар қўйилади:

1. А. Икромов туманида жойлашган «Носозликларни тиклаш хизмати» автокорхонасининг:
— «ГАЗ-2411» русумли автомобили, **бошланғич нархи - 78645 сўм;**
2. Яккасарой туманида жойлашган «Пахтатаъмирмехкорхона» бошқармасининг:
— «ТОЙОТА» русумли автомобили, **бошланғич нархи - 408887 сўм;**
3. А. Икромов туманида жойлашган, «18-автобус саройи»нинг:
— «ЛАЗ-695Н» русумли автомобили, **бошланғич нархи - 364130 сўм;**
4. Миробод туманида жойлашган, Тошкент шаҳар ҳокимлигига қарашли автокорхонанинг:
— Аварияга учраган «ГАЗ-31029» автотранспорт воситасининг кузови, **бошланғич нархи - 12600 сўм;**
5. Миробод туманида жойлашган, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси автохўжалигининг:
— «УАЗ-452» русумли автомобили, **бошланғич нархи - 81215,0 сўм;**
— 2-та «РАФ-2203» русумли автомобили, **бошланғич нархи - 154216,0 ва 167691,0 сўм;**
6. Миробод туманида жойлашган «МТА« ҳиссадорлик жамиятининг:
— «ГАЗ-2417» русумли автомобили, **бошланғич нархи - 111168 сўм;**
7. С. Раҳимов туманида жойлашган Тошкент давлат 2-Тиббиёт институтининг: - «ГАЗ-2410» русумли автомобили, **бошланғич нархи - 86836 сўм;**
8. Шайхонтохур туманида жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик Фанлар академиясига қарашли хўжалик ҳисобидаги автокорхонанинг:
— «Нексия GLE» русумли автомобили, бошланғич **нархи - 1238111 сўм;**
9. Бектемир туманининг Соловьев кўчасида жойлашган «Махсусмонтажсувқурилиш»нинг металлоконструкция цехи, умумий майдони 538 кв.м. **бошланғич нархи - 1695016,0 сўм.**

Кимошди ва биржа савдоларида **юридик ва жисмоний шахслар қатнашиши мумкин.** Биржа савдолари ҳафтанинг сешанба ва пайшанба кунлари ўтказилади.

Тўловлар турли шаклларда амалга оширилади.

ШОШИЛИНГ, БУ СИЗНИНГ ИМКОНИЯТИНГИЗ!

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси 13, 1 қават, 1 хона,
Телефонлар:
144-44-72,
144-44-73

«Ўзенгилсавдо» ОТҲЖ Кузатув кенгаши акционерларнинг навбатдан ташқари умумий мажлиси

1998 йил 4 август куни Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 41-уйда ўтказилишини маълум қилади.

Мажлис эрталаб соат 10 да бошланади. Акционерлар соат 9 дан бошлаб рўйхатга олинадилар.

Кун тартиби:

1. «Ўзенгилсавдо» ОТҲЖни Қўшма корхона ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига ўзгартириш тўғрисида.
2. Қайта ўзгартиришларни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисида.
3. Турли масалалар.

Мажлисда 1998 йил 6 июнь ҳолатига кўра ҳиссадорлар рўйхатига киритилган ҳиссадорлар ёки уларнинг вакиллари (нотариал тасдиқланган ишончномалар бўйича) қатнашишлари мумкин.

Мажлисга тайёргарлик ҳақидаги ахборотни қуйидаги телефон бўйича олиш мумкин: 50-17-97.

Кузатув кенгаши

Республика педагогика институти рус тили ва адабиёти факультети томонидан 1977 йилда Роҳат НИЯЗМЕТОВАга берилган Б — 1 № 889437 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси ҳузуридаги «Шифобахш» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси қўмита раиси Абдушукур Абдухалилович Хоназаровга ўғли **ШЕРЗОДЖОНнинг** тўсатдан вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республика Давлат ўрмон қўмитаси жамоаси қўмита раиси Хоназаров Абдушукур Абдухалиловичга ўғли **ШЕРЗОДЖОНнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.